

Дунёда ўзининг хаётини химоя қилмоқчи ва ўз маишатини таъмин этмакчи бўлгон кишининг табиат қонунлари ва хаёт шароитлари мужибинча қандай тадбирлар кўрарга ва қандай қоралар изларга тугунмоғи қанча лозим бўлса, сарбадона ва масъудона бир суратда яшамакчи бўлгон бир миллатнинг хайъат мажмуаси ҳам ижтимоий хаётиндаги вазифаларини лозиминча ифо этмак йўлинда ҳаракат этиши ўшанча лозимдир. Акс ҳолда, ул фарднинг хаёти нақадар таҳликага маъруз қолурса, бул миллатнинг хаёти ижтимоияси ҳам шул қадар таҳликага учраб ўзгаларнинг тасаллут ва асорати остинда қолажағи табиий ва шубҳасиздир.

Яшамак шартлари ва хаёти ижтимоиядага вазифаларининг энг умдалари: аскарлик, маориф, тил, адабиёт, зироат, тижорат ва санойиъ эканлиғи маълумдир. Мана, хаёти ижтимоиямизда лозим бўлгон бу нарсаларнинг барчаси ҳозирда бизда борми? Бўлса қайси ҳолдадир?

Бу саволларга қарши тўғри жавоб ёзилгонда ихтиёрсиз қалам уёлур, киши истикболдан маънос бўлур. Чунки мазкур нарсаларнинг баъзиси бизда йўқ ва баъзиси қануз ибтидоий ҳоддадирки, буларнинг мумкин суратда вужудқа ижтиҳод чиқарилиши учун қўб умрлар ва қўблар сарф қилмоқ керақдир. Лекин лозимаи хаётимиз бўлгон бу нарсаларни вужудқа чиқариб олгунча бизга қамон мусоада этарми, яъни қурсат берарми?

Сиёсий аҳволнинг ҳозирги суръатли ўзгаришига қараганда, қамон қурсат бермас қаби қўринадур. Шундай бўлса ҳам, ҳозирги мусоиди қамин ва қамонни қанимат билиб ватан, ҳуқуқ ва хаётимизнинг муҳофазаси, истикболимизнинг таъмини учун керақ бўлатургон тадбир ва қораларга қиришмағимиз лозимдир.

Мана, ҳозир ушбу савол вориқ бўладирки: бизга нима керақ?

Ҳозирги вазифамизга қарагонда бизга энг аввал, аскар керақдир. Чунки ҳозирги доҳилий шўриш ва инқилоб қорижий душманларнинг тажовуздан ортиқ бизга қарши қатарли бир қолға айланмақдадурки, бу шўришдан ватан ва қурриятни қутқариб олмоқ учун аскарий зўр бир қувватға молик бўлмоғимиз муқлақо лозимдир.

Маълумдирки, хозирда бир ёққан Николай косалесла-ри бўлгон Ашқобод фитначилари, иккинчи ёқдан казачийлар билан ... оёкка калкиб Туркистонимизни тахдид этмакда ва факир халк хокимиятини тахликага туширмакдадирлар. Буларнинг максоди хокимиятни факир халкдан олиб буржуазларга тобшурмок ва бунинг ила миллионларча бечора камбагал халкни янада бойларнинг оёги остинда эздурмакдир.

Мана, ушбу дохийий душманларимизнинг хужуминдан ватанимизни куткармок ва аларни тасаллутиндан мукаддас хокимиятимизни мухофаза этмак учун биз Туркистон факир ишчи ва дехконларига лозимдурки, ўз орамиздан аскарий фиркалар ташкил этиб, жонимиз ва номусимиз каби азиз бўлгон хукук ва хурриятимиз йўлинда қурбон бўлурга хозир турайлук.

Дунёда золим остинда номуссиз яшамакдан хукук ва хуррият йўлинда номус билан ўлмак минг марта яхшироқдир.

Эй Туркистон ишчиси! Оёкга тур! Душманларингни бос! Юртингни сакла!

Эй туркистонли турк ўгли! Ярогингни ол! Ёвингни от! Хурриятингни сакла!

*«Мехнаткашлар товуши» газетаси, 1918 йил, 13 август*